



АНАТОМИЯ ФАНИНИ ЎРГАНИШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

Нуримова Д.М., Тастанова Г.Е.

Тошкент давлат стоматология институти

✓ Резюме

Мустақил таълим талабанинг ривожланишида асосий омиллардан бири бўлиб, унинг келгуси фаолиятида мустақил ишлай олиш хусусияти кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мустақил таълим мазмуни танланган касб билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, талабанинг ўз билим ва имкониятларини баҳолай олишига сабаб бўлади. Талаба мустақил ишини ташиқллаштиришни ўқитиш жараёнига киритилган бўлиб, талабани мустақил фаолият юритишини ташиқллаштиради ва ўқитувчидан янги роль ва янги вазифаларни талаб қилади.

Калит сўзлар: таълим, мустақил таълим, ташиқлотчилик қобилияти, компетенция, замонавий ёндошувлар.

INDEPENDENT IN THE STUDY OF ANATOMY THE ROLE OF EDUCATION

Nurimova D.M., Tastanova G.E.

¹Tashkent State Dental Institute

✓ Resume

Independent education is one of the main factors in the development of the student, which serves to form the skills of independent work in his future activities. The content of independent study is closely related to the chosen profession, allowing the student to assess their knowledge and capabilities. The organization of the student's independent work is included in the teaching process, organizes the student's independent activity and requires a new role and new tasks from the teacher

Keywords: education, independent learning, organizational skills, competence, modern approaches.

РОЛЬ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ В ИЗУЧЕНИИ АНАТОМИИ

Нуримова Д.М., Тастанова Г.Е.

Ташкентский государственный стоматологический институт

✓ Резюме

Самостоятельное обучение является одним из основных факторов развития школьника, который служит формированию навыков самостоятельной работы в его будущей деятельности. Содержание самостоятельной работы тесно связано с выбранной профессией, позволяя студенту оценить свои знания и возможности. Организация самостоятельной работы студента включается в учебный процесс, организует самостоятельную деятельность студента и требует от преподавателя новой роли и новых задач.

Ключевые слова: образование, самостоятельное обучение, организаторские способности, компетентность, современные подходы.

Долзарблиги

Таълим олиш жараёнида талабаларнинг мустақил таълим олиши, танқидий ва ижодий фикрлаши, тизимли таҳлил қилиши, ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантиради ва чуқур билим олиш имконини беради. Бугунги глобаллашув шароитида таълим жараёнида илғор педагогик технологиялар ва фаол усуллардан фойдаланиш, янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни татбиқ қилиш, кўпроқ талабаларни мустақил ишлашга ундаш, илғор тажрибалардан сабоқ беришнинг турли йўлларида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кундаги таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар талабаларни мустақил фикрлашини ривожлантириш, индивидуал таълим йўналишларига асосланган бўлиб, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга оид муаммоларни бартараф этишга қаратилгандир. Олий таълим муассасаларида бу вазифаларни амалга ошириш босқичма-босқич бажарилмоқда. Бугунги кунда олий таълим тизимида мустақил таълим соатларидан унумли фойдаланиш талабаларда мустақил материалларни излаш, уларни танқидий ва тизимли таҳлил қилиш, ўқув жараёнида уларни баён этишни ташкиллаштириш, бахслашиш талабаларда ташкилотчилик қобилияти, компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методикадир. Бу олий таълим талабаларида мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, шу билан бирга ўқув жараёнига компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнида амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу эса ўқув жараёнига таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув услубий материалларни кенг жорий этиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир. Ҳозирги кун талаби: талабани мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда.

Мустақил таълимга қуйидагича таъриф берилди: мустақил таълим ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, вазифаларни аудитория ва аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятдир.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида мустақил ишнинг иккита умум қабул қилинган шакллари мавжуд: аудитория ва аудиториядан ташқари.

Аудитория мустақил иши ўқитувчи назорати остида ўтказилади ҳамда вазифани бажариш мобайнида ўқитувчида маслаҳат олиш имкони бўлади. Аудиториядаи ташқари мустақил иши мустақил равишда талабага қулай вақтда кўп ҳолатларда аудиториядан ташқарида ўқитувчи раҳбарлигида бажарилади ва бу иш гуруҳда муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг асосий вазифаси эса талаба ўқув фаолиятини ҳамда изланиш муҳитини режалаштириш бўлади ва ўқитувчи талаба изланишини йўналтириши лозим.

Анатомия кафедрасида мустақил иш аудиториядан ташқарида бажарилади ва уни қандай бажаришни ҳар бир талабанинг ўзи танлайди, педагог билан режа тузади ва уни таҳлил қилган ҳолда бажаради. Бу талабадан кунт билан мавзунини ўрганишга, материаллар йиғишга ва уларни ўрганган ҳолда ўзи учун муҳим ҳисобланган маълумотларни йиғиб, таҳлил қилишни талаб қилади. Буни талабанинг ўзи режалаштиради ва амалга оширади. Ҳозирги пайтда ҳам назарий билим ва амалий кўникмага эга, ўзгаришларга мосланувчан, эркин фикрлайдиган, касбий ҳамда ҳаётий муаммоларини мустақил ҳал қила оладиган мутахассисларга, кадрларга эҳтиёж жуда катта. Мустақил изланиш жараёнида эса талабада ҳар томонлама чуқур билимга эга эканлигини, мустақил фикрлашни ва уни изчил тақдим этиш қобилиятини ривожлантиради. Бу талабаларнинг бажарилиши улардан билим олишга ва изланишга ўргатиш орқали таъминланади. Фаол таълим шароитида ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар мазмунан тизимли ва мантиқан тугалланган тарзда шакллантирилиши турли вазиятларида бу билимларни мустақил қўлланишига имкон беради. Мустақил таълим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантиришга муаммони ечими сифатида кредит-модуль тизимида ўтказишдир. Кредит-модуль тизими, бу - таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Кредит-модуль тамойилида иккита асосий масалага аҳамият берилади: талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш ва талабаларни билимини рейтинг асосида баҳолаш. Шундай экан, кредит-модуль тизими дарс машғулотларини нафақат ўқитишни инновацион таълим

технологиялари асосида олиб бориш, балки талабадан мустақил ўқиб-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиққан ҳолда, зарурий ва чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўникмаларини шакллантиришга ўргатишдан иборатдир. Кредит-модуль тизимининг жорий этилиши ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликда ишлашида муҳим омил ҳисобланади. Бу таълим тизимида педагог талабанинг мустақил иш жараёнини ташкил этади, бошқаради, маслаҳат беради, текширади. Талаба эса мавзунини мустақил ўрганишга ҳаракат қилади, изланади, таҳлил қилади.

Хулоса

ОТМларда мустақил таълим жараёнида талабаларнинг танқидий ва ижодий фикрлаш, ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш асосий масалалардан ҳисобланади ва таълим жараёнида талабанинг онглилиги ва фаоллигини ошириш учун ўқитиш жараёни интерфаол усуллар билан олиб бориш керак. Бу олий таълим муассасаларида мустақил таълим жараёнини амалга оширишда тизимли ишларни йўлга қўйиш, талабаларни мустақил ишлашга ўргатиш ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мустақил ва ўз ўрнини топа олиш малакасига эга бўлган, истиқболлий вазифаларни қўйиш ва ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга асос бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси. 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони. <https://lex.uz/>
2. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. ЎРҚ-637-сон. 2020-йил 23-сентябрь. <https://lex.uz/>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил, 21 апрель, № 79 (6773).
4. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. - Т.: Фан ва технология.

Қабул қилинган сана 09.06.2022